

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ФАРРУХБЕК ЭРГАШБОЕВИЧ

**МАККАЖЎХОРИНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ УСУЛЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Юлдашев Фаррухбек Эргашбоевич.

Маккажўхорини зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг истиқболли
усулларини яратиш 3

Юлдашев Фаррухбек Эргашбаевич.

Создание перспективных методов защиты кукурузы от вредителей 21

Yuldashev Farrukhbek Ergashboyevich.

Establishing a prospective method for the protection of corn from pests..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ФАРРУХБЕК ЭРГАШБОЕВИЧ

**МАККАЖЎХОРИНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ УСУЛЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2017

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx60 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий
рахбар:**

Хўжаев Шомил Турсунович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич
биология фанлари доктори, профессор

Алимухаммедов Саидмурод Султонович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот
институту**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил “28” октябр, соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, анжуманлар зали).

Диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (532893 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2, Тошкент давлат аграр университети. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00.

Диссертация автореферати 2017 йил «16» октябр куни тарқатилди.
(2017 йил «12» октябрдаги 9/2 рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида маккажўхори ўсимлиги муҳим донли ва ем – хашак экини бўлиб, жаҳон деҳқончилигида экиладиган майдони бўйича учинчи, ҳосилдорлиги бўйича эса донли экинлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. ФАО маълумотларига кўра, маккажўхори дунё бўйича 137 миллион гектардан зиёд майдонга экилиб, унинг ялпи дон ҳосили 600 млн тоннани ташкил этган. Ишлаб чиқарилаётган маккажўхори донининг 60% дан ортиғи саноатлашган Шимолий Америка ва Европа мамлакатлари улишига тўғри келиб, дон ҳосилдорлиги ўртача 57-72 ц/га ни ташкил этмоқда¹. Ҳозирги вақтда, дунёнинг маккажўхори етиштирувчи мамлакатларида ўсимликни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг уйғунлашган усуллари яратиш масаласи долзарб муаммо ҳисобланади.

Республикамизда мустақиллик йилларида донли экинлар, хусусан маккажўхорининг серҳосил ҳамда касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги нав ва дурагайларини яратиш ва етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида маккажўхоридан юқори ва сифатли дон ҳамда кўк масса ҳосили олишга эришилди. Маккажўхорини нав ва дурагайларини зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг истиқболли усуллари ишлаб чиқиш орқали ҳосилдорликни янада оширишга эришиш мумкин. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида «Ўсимликларни ҳимоя қилиш, айниқса кейинги йилларда донли экинлар гуруҳига мансуб бўлган маккажўхорининг етиштириш технологиясига» алоҳида эътибор бериш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Бу борада маккажўхори экинлари зараркунандаларининг тур таркиби, уларнинг биологик хусусиятлари ҳамда ўсимликларга зарар етказиш миқдор меъзонини аниқлаш ҳамда уларга қарши самарали усул ва воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунё қишлоқ хўжалигини тармоғи бўлган чорвачилик соҳасини озуқа базасини яратишни таъминлашга қаратилган тадбирлар натижасида, маккажўхорининг зараркунандаларининг тур таркиби, уларнинг биоэкологик хусусиятларини ҳамда зарарлилик даражасини аниқлаш ва уларга қарши курашнинг истиқболли усуллари яратиш, борасидаги тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалардан, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ -1047 – сон «Озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 март-

¹<http://www.fao.ru>

даги 148-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммо АКШ, Германия, Франция, Ҳиндистон, Россия ва бошқа бир қатор Осиё мамлакатларининг маккажўхори экиладиган ҳудудларида ўрганилган. Дунёнинг турли минтақалари шароитларида маккажўхори зараркунандаларининг тур таркиби, тарқалиши ва уларнинг ривожланишига био-экологик баҳо берилган. Ушбу ҳашаротларнинг зарари ўрганилиб, уларга қарши кураш чораларини яратиш бўйича ишлар қуйидагилар томонидан олиб борилган: J.Dinger, S.J. El-Sherif, S.M.Hammad, S.K.El-Sawof, L.Gavrilita, L.Gianessi, J.Karren, J.A. Klun, F.Kocourek, K.Riha, M.Meissle, A.Mutuura, E.Munroe, G. Neuffer, I.Rosca, A.N.Sparks, S.Derridj, A.N. Burns, R.W.Mungomery, F.C.Willcocks, F.N.Paulian, A.H.Фролов, Е.А.Хачатурова, В.И.Войняк ва бошқалар.

Мамлакатимизда бугунги кунда, маккажўхори экинлар агробиоценозидаги зараркунандаларнинг аҳамияти ортиб бориши натижасида, ҳосилдорликка катта зиён етказилмоқда. Бунга сабаб бўлиб, асосан баланд бўйли ўсимликларни ҳимоя қилиш технологияси яратилмаганлиги ҳисобланади. Маккажўхорини оралаб юриб ҳимоя ишловини ўтказишни таъминлайдиган янги экиш технологиясини яратиш; зараркунандаларга қарши энг аввало хавфсиз усуллар (агротехник, биологик) ҳамда кам заҳарли, тез парчаланадиган пестицидларни ишлатиб, ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситаларини яратиш жорий этиш талаб этилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Андижон давлат университети ва Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режасининг КХА-9-054-2012 “Экинларни навбатлаб экиш тизимининг ўзгариши ҳамда такрорий экиладиган ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоялашни назарда тутиб ғўзани уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини (УХҚТ) такомиллаштириш” (2012-2014 йй.) ҳамда ҚХИ-5-024-2016 “Маккажўхори ва бошқа баланд бўйли ўсимликларни ҳимоя қилишда янги технология ва воситаларни жорий этиш” (2016-2017 йй.) амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маккажўхорининг зараркунанда турларини аниқлаш, биологик хусусиятлари ҳамда зарарини инобатга олган ҳолда, қарши курашиш учун янги экиш технологияси асосида зараркунанда

ҳашаротларга қарши самарали ва инновацион воситаларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маккажўхорининг минтақаларда тарқалган зараркундаларини умумий ва асосий турларини аниқлаш;

ўсимликни санчиб-сўрадиган зараркундаларга қарши кураш чораларини яратиш;

маккажўхорининг асосий зараркундалари поя парвонаси ва ғўза тунламининг биологик хусусиятлари, уларга қарши кураш муддатларини ва самарали воситалар мажмуини яратиш;

маккажўхорини оралаб юриб ҳимоя ишловини ўтказишни таъминлайдиган ўсимлик экиб-ўстириш технологиясини яратиш;

маккажўхорига зарар келтирувчи капалак ҳашаротларга қарши трихограмма+бракон тандемига асосланган биоусулни синаб ўрганиш;

асосий зараркундаларга қарши замонавий инсектицидларни синаб кўриб, улардан самаралиларини танлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маккажўхорида учрайдиган зарарли ва фойдали бўғимоёқли ҳайвонлар мажмуи олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб Республика ҳудудларида экилаётган маккажўхори экини ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалик энтомологиясида кенг фойдаланадиган барча услублар ёрдамида бажарилган. Маккажўхори ўсимлигининг зараркундаларини биологик хусусиятларини ўрганишда В.О.Хомякова, В.И.Войняк, Н.Б.Бондаренко ва бошқалар услубларидан. Биологик объектларни ўрганиш ва улардан фойдаланишда Н.В.Бондаренко, Х.Р.Мирзалиева ва Ш.Т.Хўжаевларнинг, агро-токсикологик тадқиқотларда эса Ш.Т.Хўжаев, Ф.М.Успенский ва бошқаларнинг услубий кўрсатмаларидан фойдаланиб, олинган натижалар Б.А.Доспехов усули бўйича дисперсион таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маккажўхори зараркундаларига қарши ердан туриб ҳимоя ишловини ўтказиш учун янги, ўсимликларни экиб-ўстириш технологияси яратилган;

маккажўхорининг зараркунанда турлари орасида энг кўп учрайдиган доминант турлари аниқланган;

маккажўхори поя парвонаси ҳамда ғўза тунламининг ривожланиш хусусиятлари, зарари ҳамда иқтисодий зарарли миқдор мезони аниқланган;

маккажўхори агробиоценозида мавжуд энтомофаг турлари аниқланиб, уларнинг самараси баҳоланган, сунъий биологик усулнинг ҳар бир тур даражасида самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳаво босими ёрдамида ёнига қараб дори пуркайдиган (ОВХ-28) трактор пуркагичи мавжудлигига таянган ҳолда янги ўсимлик экиб-ўстириш технологияси ёрдамида ҳимоя қилинган маккажўхоридан 30-50% қўшимча (сақланган) ҳосил олиш мумкинлиги аниқланган;

маккажўхори билан озикланадиган иқтисодий аҳамиятли зараркунанда турлари ва уларнинг ҳар бирига ҳамда бир йўла ҳаммасига қарши ишлов ўтказишнинг амалий аҳамияти исботланган;

янги технологияда баҳорда ҳамда анғизга экиб-ўстирилган маккажўхорини мавсумда 4-6 марта кимёвий ҳимоя қилиш оқибатида назоратга нисбатан ҳар гектардан 35 дан 55 центнер гача (биологик ҳосил) дон ҳосили олиниб, сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 4,5 дан 28,5 сўмгача қўшимча маҳсулот олиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: лаборатория ва дала тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги ва олинган маълумотларга ишлов берилганлиги билан; назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги; аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги; олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари математик-статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги билан исботланган. Булардан ташқари, махсус экин экиш технологияси фермер хўжаликларига кенг жорий этилиши ҳамда маккажўхорининг кемирувчи зараркунандаларига қарши 10 та инсектицид Давлат кимё комиссиясининг рўйхатидан ўрин олганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маккажўхори ўсимлигини зараркунандалардан кўраётган зарарини аниқлаб беришдан, уларнинг ҳар бирини бу йўлда тутган ўрнини аниқлашдан; асосий зараркунандаларга қарши сунъий биологик усулнинг самарадорлигини аниқлашдан; бу ҳашаротларга қарши курашда кимёвий усулдан энг юқори самара олиш шарт-шароитларини белгилаб беришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маккажўхори экиб етиштирадиган давлатлар орасида илк бор янғича экинни экиб-ўстириш технологиясини жорий этиш ҳисобига экинларни ерда юриб ОВХ-28 трактор пуркагичи ёрдамида мавсумда 4-6 марта кимёвий ҳимоя қилиб 50-70% ҳосилни сақлаб қолишга эришилганлик ҳисобланади. Бунинг натижасида ҳар гектар ердан 35-55 ц гача юқори дон ҳосили олингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маккажўхорининг зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг истиқболли усулларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

маккажўхорини ғўза тунлами, барг тунлами ҳамда поя парвонасидан ҳимоя қилиш учун қуйидаги инсектицидлар: Децис, Нурелл-Д, Ланнейт, Караген, Химфокс-Д, Мурелл, К-найк, Имитрин, Ваулент ва Химфокс “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати” (2016) га киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари Давлат кимё комиссиясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 2-6/1-159-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ушбу препаратларнинг маккажўхори зараркунандаларига қарши қўллаш самарадорлигини 85-90 фоизга ошириш имконини беради;

маккажўхори ўсимлигини фаол ҳимоя ишловларини ўтказишга мўлжалланган ўсимликларни экиб-ўстириш технологияси Андижон ва Фарғона вилоятларида 2016 йилда 4 минг гектардан ошиқ майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 19 январдаги 02/20-22-сон маълумотномаси). Бунда ҳимояланган маккажўхоридан 45 центнер кўшимча дон ҳосил олиниб, иқтисодий самарадорлик ўртача гектарига 13399 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та бўлиб, 2 таси халқаро ва 1 таси республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтган. Иккита амалий тавсиянома эса, институт илмий кенгашларида ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналлар, 2 халқаро конференцияларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7 боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон учун жўхориларнинг аҳамияти; уларнинг зараркунандаларини ўрганилганлиги ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг аҳволи”** деб номланган биринчи боби – адабиётлар шарҳида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, кўплаб олимларнинг илмий иш натижалари ўрганиб чиқилган. Бунда, маккажўхорида учрайдиган зараркунандаларнинг шу кунларда учрайдиган ҳамда кириб келиши мумкин бўлган (карантин объектлари) турларига тўхтаб ўтилиб, уларнинг зарари ҳамда уларга қарши мавжуд кураш усул ва воситаларига аҳамият берилган. Биологик ҳамда кимёвий курашларга кўплаб аҳамият берилган, лекин уларни қандай қилиб амалий ишлатилгани етарлича кўрсатиб ўтилмаган. Мавжуд маълумотларга таяниб диссертация олдида қўйилган мақсад ва вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жойларнинг таҳлили ва ишлатилган усуллар”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган

жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот усуллари баён этилган. Тадқиқотлар 2008-2016 йиллар мобайнида Андижон вилоятининг Хўжаобод, Булоқбоши, Жалақудуқ ва Избоскан туман хўжаликларида; Фарғона вилоятининг Боғдод, Учкўприк ва бошқа туман хўжаликларида олиб борилди. Диссертацияда Фарғона водийсига кирувчи минтақаларнинг жойланиши, ер усти ландшафти, тупроқ турлари, сув билан таъминланганлиги ҳамда бошқалар тўғрисида асосий тушунчалар берилган, таъкидлаш мумкинки, бу шароитларда кўпгина қишлоқ хўжалик экинларини, жумладан маккажўхорини ҳам экиб-ўстиришга жуда қулай бўлиб, улардан юқори ҳосилдорликка эришиш имконини беради. Тадқиқотлар биологияда қабул қилинган услубларга риоя қилган ҳолда олиб борилди. Лаборатория, кичик ва катта дала тажрибалари 2008-2016 йиллари мобайнида Хўжаобод тумани марказий биологическая лабораториясида, ЎзЎҚИТИ Қўқон таянч пунктининг энтомологик ҳамда биологическая лабораторияларида ва Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани фермер хўжаликларининг маккажўхори экилган дала майдонларида ўтказилди.

Изланишларимиз умумий ҳамда қишлоқ хўжалик энтомологиясида қабул қилинган услублар асосида: В.В.Яхонтов, Н.В.Бондаренко, Х.Р.Мирзалиева, Ш.Т.Хўжаев ва бошқаларнинг тавсиялари асосида; ихтисослашган зараркунандаларнинг биологиясини ўрганиш эса: В.О.Хомякова, В.И. Войняк, А.Н.Фролов, И.Д.Шапиро тавсиялари бўйича амалга оширилди.


Агротоксикологик тадқиқотлар бу соҳада мавжуд ва ўз долзарблигини йўқотмаган К.А.Гар, Ф.А.Степанов ҳамда Ш.Т.Хўжаев тахририятида ёзилган услубий кўрсатмалар асосида бажарилди. Кимёвий ишловларни ўтказиш пайтида М.Турабходжаеванинг тавсиялари инобатга олинди. Йирик амалий тажрибаларда ишлов ўтказиш ён тарафларга ҳаво орқали пуркашга қодир бўлган ОВХ-28 трактор пуркагичи ёрдамида ўтказилди.

Синолдаги инсектицидларнинг биологическая самарадорлиги Abbot формуласига асосан, дориларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқариш учун Н.Р.Гончаров, ўтказилган тажрибаларнинг натижалари Б.А.Доспехов усули бўйича компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Маккажўхорини зарарловчи бўғиноёқли ҳайвон турлари ва уларнинг тарқалиш”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларнинг барчасида маккажўхори ўсимлигида учраган барча зарарли бўғин оёқли ҳайвонлар ўрганилиб, уларнинг систематик ўрни, номланиши, қайд этилиши ва зичлиги якуний жадвал сифатида ўрин олган. Таъкидланадики, Фарғона водийси шароитларида маккажўхорини 34 та турга мансуб бўғин оёқли жониворлар ҳамда кўплаб умуртқали ҳайвонлар (қушлар ва б.) зарарлайди. Зараркунандалар орасида 32 таси ҳашаротларга, биттаси ўргимчаксимонлиларга ва яна биттаси кўп оёқлиларга мансубдир.

Диссертациянинг **“Маккажўхори поя парвонасининг ривожланиш хусусиятлари, зарари, иқтисодий зарарли миқдор мезони ва унга қарши кураш самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида маккажўхори поя парвонасининг водий шароитларида ривожланиш ва зарар бериш хусусиятлари ўрганилиб, унга қарши биологическая ҳамда кимёвий усул самарадорлиги

ҳақида ахборот берилган. Маккажўхори поя парвонаси ҳақиқатда ҳам маккажўхори учун энг зарарли ҳашарот эканлиги исботланди (1-расм).



1-расм. Маккажўхори поя парвонаси: 1 урғочи ва эркак капалак зотлари; 2 қурти сўтада, 3 поя ичидаги қуртлар, 4 шамолда синиб тушган жўхори пояси, 5 кучли зарарланган поя, 6 назорат-химоя қилинмаган вариант ўсимликларининг кўриниши, 7 шохлаб кетган кўчатлар, 8 яқиндан кўриниши, 9 синиб тушган поялар, 10 зарарланган поя ичидаги қурт ва ғумбақлар.

Зараркунанданинг барча ҳаётий кўрсаткичлари аниқланиб, Водий шароитларида мавсумда 3 марта, Хоразм вилояти шароитида эса нотўлиқ 3 та авлод бериб ривожланиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Маккажўхори ҳамда поя парвонасининг 2015 йил мавсумида Андижон вилояти, Хўжабод туман шароитларида мавсумий ривожланиш фенокалендари Лаборатория ва дала кузатувлари

Ой ва декадалар Авлодлар	Апрел			Май			Июн			Июл			Август			Сентябр			Октябр				
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III		
Эрта экилган маккажўхорининг ривожланиши																							
Ўрта ва кечпишар нав ва дурагайлар		↓	↓	*	*	*	*	*	*	*	*	*	С	С	СС	СС	СС	П	П				
Ангизга экилган маккажўхорининг ривожланиши																							
Тезпишар ва ўртаки нав ва дурагайлар										↓	*	*	*	*	С	СС	СС	СС	СС	СС	П		
Зараркунанданинг ривожланиши																							
Қишлаб чиқиши	--)	--)	--)	--)	F	F	F, +	F, +															
I авлоди																							
Капалаги						+	+	+															
Тухуми							•	•															
Қурти							--	--	--	--													
Ғумбаги							←→			F	F	F											
II авлоди																							
Капалаги										+	+	+											
Тухуми											•	•	•										
Қурти												--	--	--									
Ғумбаги													←→			F	F						
III авлоди																							
Капалаги																+	+	+					
Тухуми																	•	•					
Қурти																			←→			--)	--)

Белгилар: + - капалак; • - тухум; --) - қурт; --) - кишловдаги қуртлари; F - ғумбак; ↓ - уруғ экиш муддатлари; * - ниҳоллар; * - ўсиши; С - султон чиқариши, СС - султон+сўталиқ даври; П - пишиб етилиш; ↔ - илмий - асосланган химоя қилиш муддатлари;

Хўжаобод тумани шароитларида маккажўхорини 2009-2014 йилларда маккажўхори поя парвонаси билан зарарланиши даражаси 2-расмда келтирилди. У ердан кўриниб турганидек, ўсимликларни маккажўхори поя парвонаси билан зарарланиши тобора кучайиб бормоқда. маккажўхори поя парвонасига қарши трихограмма (*Tr. pintoi*) лаборатория шароитида 67,8% ни, дала шароитида эса анча паст самара кўрсатди. Бракон (*Bracon hebetor*) эса, маккажўхори поя парвонаси қуртларига қарши лаборатория шароитида 1:15 нисбатгача 100% кўрсатди (2-жадвал).

Зараркунанданинг қуртлари ёпиқ шароитда (сўта ва поя ичида) бўлганида 26,3-40% гина самара бергани ҳам маълум. Маккажўхори поя парвонасига қарши узоқ муддатлар давомида ўтказилган агротоксикологик тажрибалар оқибатида қуйидаги хулосалар қилинди. Бу зараркунандага қарши ишлатилган инсектицидларнинг самарадорлиги у қайси муддатларда ўтказилганлигига кўпдан боғлиқдир.



2-расм. Маккажўхорини 2009-2014 йилларда поя парвонаси билан зарарланиши (%) ва зичлиги (Анд. вил., Хўжаобод тум.)

2-жадвал


Очиқ шароитда яшайтган поя парвонаси қуртларига қарши бракон кушандасининг самарадорлиги Лаборатория тажрибаси, 2012 й.

Вариантлар	Кушанда қайси нисбатда ишлатилди	Неча % самара олинди, кунларга				Нечта қурт фалажланди, дона	Нечтасига тухум қўйди, дона
		3	6	9	15		
Тажриба: Браконнинг урғочи зотини ишлатиш	1:1	100	-	-	-	1	1
	1:5	100	-	-	-	5	5
	1:15	73	100	-	-	15	6
	1:25	51	68	72	76	19	9
	1:50	33	44	52	54	27	8
Назорат (кушандасиз, 20 та қурт)	-	Табийий ривожланиши				-	-
		18	18	13/4 ^{*)}	8/9	-	-

Белгилар: *) – 13-қурт, 4-ғумбак сони

Капалаклари қийғос учиб тухум қўяётган муддатлари энг самарали деб топилди. Бунга, замонавий инсектицидларнинг (*циперметрин, децис, каратэ, караген, аваунт, суррендер, конфидор, карбофос*) имагоцидлик, қисман овицидлик ҳамда ларвицидлик хусусиятларга эга эканлиги исбот бўлди. Бу хусусиятларнинг мавжудлиги ҳақида диссертацияда батафсил далиллар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ѓўза тунлами: ривожланиши, зиёни ва унга қарши курашнинг самарадорлиги**” номли бешинчи боби минтақаларимизда кенг тарқалиб, олдинги қайд қилиб ўтилган ҳашаротлардан фарқ қилиб, жуда кўп экинларнинг жиддий зараркунандаси бўлган полифаг-ғўза тунламига (кўсак қуртига) бағишланган. Назоратларимиз шуни кўрсатдики, Фарғона водийси шароитларида ғўза тунлами маккажўхорини у популацияси бошлаган пайдан бошлаб зарарлай бошлайди, яъни у фақат ўсимликнинг генератив аъзоларинигина зарарлайди (3-расм).



3-расм. Ѓўза тунламининг маккажўхорини зарарлаши:
1 – капалаги, 2 – сўта ипларини шикастлаши,
3 – сўта ичида донларни ейиши, 4 – кучли зарарланган сўтанинг кўриниши.


Бошқа ўсимликлардан: ғўза, помидор, дуккакли экинлар, қовоқ ва бошқаларни зарарлаши мумкин. Барча ўсимликларни ҳам асосан мева ҳосилларига шикаст етказди. Ѓўза тунлами маккажўхорига етказадиган зарари эндигина чиқарган ипчаларини шикастлаш ҳисобига сўтани ола, яъни донини сийрак қилиши; сўталардаги донни одатда тепа томонидан кемириб ҳосилни озайтириш ҳамда аҳлати билан маҳсулотни ифлослантиришдан иборат.

Бир хил вазиятларда, зарарланган сўта юқори намлик шароитларида фузариоз, чанг куяси, поя чириши каби касалликлар билан зарарланиб, умумий ҳосилдорликка путур етказиши мумкин. Ва ниҳоят, қайта экилган такрорий экин-маккажўхорида ривожланиб қишлоғга кетган ғўза тунлами келгуси йил экинлари учун ҳам бениҳоя ҳавф яратиб кераксиз заҳира ҳамдир.


Хўжаобод тумани шароитларида маккажўхорини 2009-2014 йиллари мобайнида ғўза тунлами зарарлашини ўзгариши 4-расмда келтирилди. У ердан кўришиб турганидек, маккажўхорини ғўза тунлами билан зарарланиши охириги 2012-2014 йиллари ошган бўлиб, энг чўққиси 2013 йилга тўғри келади.

Трихограмма яйдоқчиси ёрдамида ғўза тунлами тухумларига қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида ўсимликка тухум қўйиш жараёнини ўтиши қандай содир бўлишини ўргандик (5-расм).

Аниқланишича ғўза тунлами капалаклари тухумларини асосан сўта ипларига ва устига, қисман поя ва баргларининг устига қўяр экан. Бунда, капалакларининг қийғос учишини феромонли тутқичлар ёрдамида аниқлаш энг мақбул усулдир.



4-расм.
Маккажўхорини
2009-2014 йилларда
ғўза тунлами билан
зарарланиши
(%) ва қурт зичлиги
(Анд. вил.,
Хўжаобод тум.)



5-расм. Маккажўхори ўсиб-ривожланишига қараб ғўза тунламининг тухум қўйиш топографияси

Ғўза тунламига қарши маккажўхорида фаол ҳимоя ишловини ўтказиш учун иқтисодий зарар миқдор мезони икки усулда белгиланди.

1. Агарда ҳар 1 п.м. экинзорда ўртача 1,5-2 та ва ундан ортиқ қуртлари мавжуд бўлса.

2. Ўсимликдаги қуртларнинг зичлигига қараб. Мисол учун: агарда ҳар 1 зарарланган ўсимликда 1 тадан ғўза тунлами қурти мавжуд бўлса, демак иқтисодий зарар миқдор сифатида 22-25% (ва ундан ошиқ) зарарланган ўсимликлар бўлиши керак. Бордию, ҳар бир зарарланган ўсимликда 2 та ва ундан ошиқ ғўза тунлами қурти мавжуд бўлса, унда кимёвий ишловни 14-15% ўсимлик зарарланганидан бошлаб амалга ошириш керак бўлади иқтисодий зарар миқдор. Бу, ҳар гектардан ўртача 2 ц ҳосил сақлаб қолинади деганидир (3-жадвалга қаранг).

Бир неча йил мобайнида маккажўхори пайкали орасида ғўза тунлами капалакларининг феромон тутқичга илиниши ва уни ўсимликларни зарарлаши ўртасидаги мутаносиблик қонуниятлари ўрганилди (6-расм). Чизмадан кўриниб турганидек, маккажўхори меваларининг ғўза тунлами қуртлари билан зарарланиши ҳашарот капалакларининг зичлиги билан узвий боғлиқдир ($r = 0,813$).

3-жадвал

**Ѓўза тунламининг маккажўхори ҳосил кўрсаткичларига таъсири
(анғизга экилган маккажўхори, гибрид-901(ХХР))**


Дала тажрибаси, Биологик ҳосилдорлик, Хўжаобод тум., 2014-2015 йй.

Вариантлар (ўсимлик зарарланиши нинг турлари)	Ҳосилдорлик,			1 сўтадаги дон сони		1 сўтадан олинган доннинг оғирлиги		1000 дона доннинг оғирлиги		1 гектардан йиғиб олинган поя	
	Жами, ц/га	Озайиши, ц/га	%	Дона	Озайиши, %	г	Озайиши, %	г	Озайи- ши, %	Боғ	Озайи- ши, %
Кимёвий хи- моя қилинган ўсимликлар (зарарланиш 3,2%)	172,7 ±4,6	-	-	797,8 ±24,7	-	173,3 ±17,5	-	376,6 ±32,3	-	1250 ±19,7	-
Ҳар 1 ўсим- ликда 1 та қурт мавжуд	156,6 ±6,7	16,1 ±2,7	9,3 ±1,7	706,7 ±64,2	11,5 ±3,1	181,2 ±21,2	0	391,9 ±27,7	0	1200 ±35,7	4,0 ±0,3
Ҳар 1 ўсимликда 2 та қурт мавжуд	142,2 ±3,6	30,5 ±4,4	17,6 ±2,3	667,3 ±55,4	16,4 ±2,7	192,2 ±9,2	0	347,7 ±44,2	7,7 ±0,3	1170 ±29,6	6,4 ±1,4

Химоя ишловлари (ИЗММ) қуйидагиларга тенг:

2-нчи вариантда – далада 22-25% ва ундан ортиқ ўсимлик;

3-нчи вариантда – далада 14-15% ва ундан ортиқ ўсимлик зарарланган бўлса.



4-жадвал

**Маккажўхорини ғўза тунламидан химоя қилишда биологик усулнинг техник
самарадорлиги**

Дала тажрибаси, Балиқчи тум., Исаев ф/х., 23.08.2012 йй.

Вариантлар	Ѓўза тунламининг ҳар 100 ўсимликдаги ўртача сони, дона					Самарадорлик, % кунларга		
	Кушанда тарқатишгача		2 марта трихограмма ва 1 мар- та бракон тарқатилганидан, кейинги кунларда, қурт, сони					
	тухуми	қурти	3	6	9	3	6	9
Трихограмма – 2 марта (1 гр+1 гр) тарқатилди	11	2	12	15	18	25,0	28,6	35,8
Бракон – 1 марта тарқатилди (1:10)	1	12	13	14	17	18,8	35,4	39,3
Трихограмма 2 марта + бракон 1 марта (1:10)тарқатилди	11	13	9	11	14	45,8	47,7	50,0
Назорат (химоясиз)	Зараркунанданинг табиий ривожланиши							
	8	9	16	21	28	-	-	-

ЭКФ₀₅=

3,8 3,4 3,2

Ғўза тунламига қарши трихограмма ва бракон ишлатишга мўлжалланган лаборатория ва дала тажрибалари ўтказилди. Лаборатория шароитида олинган энг юқори натижалар дала шароитида синовлардан ўтказилди (4-жадвал). Жадвалдан кўриниб турганидек, трихограмма ва браконни тизим бўйича кетма-кет ишлатишнинг самараси юқорироқ бўлиб, энг юқориси 9-нчи кунга бориб 50% ни ташкил этди.

Бундай самара олишнинг асосий шартлари: биомахсулот технология талабларига риоя қилиниб тайёрланган, яъни сифатли бўлиши керак; трихограммани далага тарқатиш муддатлари феромон тутқичлар ёрдамида аниқланган бўлиши ҳамда албатта “трихограмма+ бракон” тизимига ёндошилган бўлиши керак.

Маккажўхорини ғўза тунламидан кимёвий ҳимоя қилиш ишлов ўтказиш муддатларига риоя қилиб, зараркунанданинг иқтисодий зарарли миқдор меъзонига қараб ўтказилиши керак. Бунинг учун, 10 та энг самарали инсектицидлар Давлат кимё комиссиясининг “Рўйхати”га киритилди.

Диссертациянинг **“Маккажўхорини ерда юриб ҳимоя қилишни таъминлайдиган ўсимлик экиб-ўстиришнинг янги технологияси. Ўсимликларни фаол ҳимоя қилишдаги турли усулларнинг имкониятлари”** номли олтинчи бобида бизнинг ғоя бўйича эрта баҳор ва ғалла йиғим-теримидан кейин анғизга экиб-ўстирилган маккажўхорини зараркунандалардан ҳимоя қилиш афзалликлари таърифланиб, амалий исботлаб берилган.

Бунда ОВХ-28 трактор пуркагичи баланд ўсимликлар орасидан юриб мавсумда 4-6 марта ишлов бериши оқибатида юқори биологик, хўжалик ҳамда иқтисодий самара олинганлиги исботлаб берилган (7-расм).



7-расм. Оралиқ экин экишга мўлжалланган баланд бўйли ўсимликларни экиш ва ҳимоя қилиш технологияси: 1 – маккажўхори экиб ўстирилган дала, 2 – оралиқ экин сифатида картошка экилган, 3 – оралиқ майдонида юриб ОВХ-28 трактор пуркагичи ёрдамида ишлов бериш, 4 кунгабоқар ҳам шу тарзда экиб ҳимояланади, 5 – баланд бўйли маккажўхорига ён томонлама кимёвий ишлов бериш, 6 – ОВХ-28 бунга ҳам ишлов бера олади.

Технология оддийдир уни ижро этиш учун 2 та шарт қўйилади. Биринчиси ўсимликни экиш пайтида ҳар 28 қатордан кейин 4-8 қаторни ташлаб (экмай) кетиш зарур (у ерга кейинчалик бирорта паст бўйли ўсимлик экилади) ва, иккинчиси – хўжаликларда ён тарафга пуркашга қодир (ОВХ-28)

трактор пуркагичи бўлиши керак. Диссертацияда бу соҳада ўтказилган дала тажрибалари ҳар томонлама ифодалаб берилган.

Диссертациянинг “Зараркунандаларнинг маккажўхориға етказадиган зарари ҳамда уларға қарши ўтказиладиган курашнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги” деб аталган еттинчи бобида ўсимликнинг ҳосилдорлиги (бир хил агротехник шароитларда) уни қайси ўсиш давридан бошлаб ва қайси зараркунандалар билан зарарланишиға боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Табиийки, энг юқори зарар (74,6% ҳосил озайган) ўсимликларни барча кемирувчи ва қисман сўрувчи (ширалар) ҳашаротлар билан зарарланган вариантда олинган. Яна, ҳар бир маккажўхори ўсимлигиға зараркунандалар томонидан етказиладиган зарар, ўсимликнинг қайси ўсиш даврида зарарланганлигиға боғлиқ эканлиги ҳам кўрсатиб берилган. Мисол учун, назорат ўсимликларидан (100% зарарланиб, ҳимоя қилинмаган) гектар ҳисобида 91,5 ц дон олинган бўлса (биологик ҳосилдорлик), бу ҳимоя қилинганларға нисбатан 45,0% оздир.

5-жадвал

Эрта муддатларда экилган кечки нав маккажўхорини зараркунандалардан кимёвий ҳимоя қилишнинг иқтисодий самарадорлиги
Хўжаобод тумани, “Карнайчи” М.Ф.Й., “Сурайёхоним орзуси” ф/х, 27.04 – 26.10. 2015 й.

№	Кўрсаткичлар	Назорат (ҳимоя қилинмаган)	Тажриба (кимёвий ҳимоя қилинган)	Тажрибада кам (-), ёки кўп (+)
1.	Олинган биологик ҳосилдорлик, ц/га - дон, ц/га - поя, боғ/га	121,5 810	166,5 1250	+45 +440
2.	Қўшимча ҳосил, ц/га	-	45,0	-
3.	Агротехник тадбирларға кетган харажат, минг сўм/га	3100,0	3100,0	0
4.	Ўсимликларни ҳимоя қилишға сарфланган умумий харажат, минг сўм /га	-	850,0	+850
5.	Қўшимча ҳосилни йиғиштириш ва ташишға сарфланган маблағ, минг сўм/га	-	156,0	+156
6.	Таннархға кирувчи бошқа харажатлар, минг сўм/га	110,0	145,0	+35
7.	Умумий харажатлар, минг сўм / га	3210,0	4251,0	+1041
8.	Олинган ҳосилнинг жами нархи, минг сўм / га	12960,0	17650,0	+4690
9.	Шартли соф фойда, минг сўм /га	9750	13399,0	+3649,0
10.	Ўсимликларни ҳимоя қилишға сарфланган ҳар 1 сўмнинг оқланиши	-	4,1	-
11.	Рентабеллик %	-	410	-

Изоҳ: 2015 йил 1 кг дон нархи -1000 сўм, 1боғ поя нархи – 800 сўм

Шу далада ўсимликнинг фақат юқори (султон) қисми зарарланган бўлса, ҳосил атиги 5,6% га (9,4 ц/га) озайган; поянинг сўтадан юқори қисми зарарланса, мутаносиб равишда – 45,1% (75,2 ц/га), агарда поянинг биринчи сўтадан пастки қисми зарарланса – зарар 80,6% ни (134,2 ц/га) ташкил этди.

Барча, тажрибалар ўтказган йилларда биз таклиф қилиб янги технологияда экиб ўстирилган маккажўхорини мавсумда зараркунандаларга қарши 4-6 марта кимёвий кураш ўтказган далалардан юқори даражада хўжалик ва иқтисодий самара кўрсатди. 2015 йили “Гибрид-901” маккажўхорида ўтказган тажрибамизда, ҳимоя қилинган ўсимликлардан қўшимча ҳар гектар ҳисобига 45 ц (37%) дон ва 440 боғ (34,2%) поя олинди (5-жадвал).

2015 йил тажрибаси мисолида ўсимликларни ҳимоя қилишга сарфланган ҳар бир сўм эвазига 4,1 сўмга лойиқ қўшимча маҳсулот олинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Фарғона водийси шароитларида маккажўхорини 34 та турга мансуб бўғимоёқли жониворлар ҳамда кўплаб умуртқали ҳайвонлар (қушлар ва б.) зарарлайди. Зараркунандаларнинг 32 таси ҳашаротларга, биттаси ўргимчаксимонлиларга, биттаси кўпоёқлиларга (кивсяк) ва яна бири умуртқали қушлар турларига оиддир.

2. Маккажўхори поя парвонаси Андижон ҳамда Хоразм вилоятлари шароитларида мавсумда 3 авлод бериб ривожланиб, эрта баҳорда экилган ўсимликларни бу зараркунандадан ҳимоя қилиш учун 3-4, анғизга, ёзда экилганларида эса 2-3 марта кимёвий ишлов ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун капалаги қийғос учиб, тухум қўяётган давр-илмий асосланган энг самарали ҳисобланади. Бу муддатларда ишлатилган замонавий инсектицидлар имагоцидлик, қисман овицидлик ҳамда ларвицидлик имкониятларига кўра, энг юқори самара кўрсатиши мумкин.

3. Амалиётда, маккажўхори поя парвонасига қарши ОВХ-28 трактор пуркагичи ёрдамида ўтказилган ишлов, зараркунанда капалаklarини 100% га ўлдиради: циперметрин (0,03% лик эритма) – 6 соат мобайнида; децис (0,07%) – 2 соат, каратэ (0,05%) – 24 соат, конфидор (0,03%) – 48 соат, караген (0,04%) – 6 соат, аваунт (0,04%) – 6 соат, суррендер (0,02%) – 6 соат, карбофос (0,1%) – 24 соат давомида. Яна, 4-20% захарланган тухумлари тўғридан-тўғри, ҳамда 10-66% янги очиб чиққан қуртлари захарланган тухум пўчоғини еб ўлади.

4. Лаборатория шароитида трихограмма (*Tr. pintoi*) МПП тухумларига қарши 67,8%; бракон (*Bracon hebetor*) эса, қуртларга қарши 1:15 нисбатгача 100%, 1:50 нисбатда 54% биологик самарадорлик кўрсатди. Ҳимояланган (сўта, ёки поя ичида бўлган) қуртларни эса 1:19 нисбатда 26,3% зарарлади.

5. Эрта ва кеч муддатларда экиладиган маккажўхорини ғўза тунламнинг 3- ва 4-авлодларига қарши илмий-асосланган муддатларда биологик ёки кимёвий ҳимоя қилиш ишловларини ўтказиш зарур. Маккажўхори фақат ғўза тунлами билан зарарланган бўлса, унга қарши ҳимоя ишловини ҳар 1 п.м. экинзорда ўртача 1,5-2 та ва ундан ортиқ қурт мавжудлигида (ИЗММ)

ўтказилади. Ҳосилга кирган маккажўхорида ҳар 1 феромон тутқичга (ФТ) 1 кечада ўртача 3 тадан кўп капалак илинса биологик кураш ўтказилади, кимёвий кураш эса, ҳар 1 ФТ га 6 тадан кўп капалак илинса (қўшимча назоратдан кейин) ўтказилади.

6. Лаборатория шароитларида ғўза тунламининг 10 та тухумига 5 та трихограмма таклиф қилинганда 9 кунга бориб 49,2% самара олинди; 100 та тухумга 5 та кушанда нисбатида эса, атиги 19,7% самара олинди. Браконни 1 ♀ ни 20 та қуртга нисбатида олинганда 90-100% самара олинди. Бунда энг катта ёшдаги қуртларнинг бир қисми “стресс” вазиятидан чиқиш учун тезда ғумбакка айланиб олди. Дала шароитларида ғўза тунламининг бир авлодига қарши 2 марта трихограмма ҳамда 1 марта (1:10) бракон тарқатиш 45-50% лик биологик самара кўрсатди. Бу режа амалий тавсия этилди.

7. Ғўза тунламга қарши химоя ишловини ўтказиш учун илмий-асосланган самарали муддатларни (капалакларнинг қийғос учиши билан боғлиқ) ФТ ёрдамида ҳамда назоратчиларнинг кўрсатмаларига асосан белгилаш лозим. Бу муддатларда ишлатилган ҳар қандай олдиндан ишлатиб қилинаётган (химфос-Д, мурелл – 1,5 л/га; К-майк – 0,5 л/га, химфокс – 0,3 л/га, караче-супер – 0,125 л/га, имитрин – 0,4 л/га ва б.) ва нисбатан янги дорилар (юнирон – 0,1 л/га, вертонекс – 0,9 л/га, ваулент – 0,45 л/га ва б.) юқори самара бериб амалий тавсия қилинди.

8. Зараркунандалар маккажўхорининг эрта муддатларда, баҳордан бошлаб экилган ҳамда тез ва ўртапишар навларини, кечки муддатларда (ғалладан кейин) экилганларидан кўра озроқ зарарлайди. Шу туфайли, кураш ўтказилмаган ўсимликлардан 14,0% дан 74,6% гача (2010 й.) ҳосил йўқотиш мумкин. 2015 йили барча зараркунандалардан химоя қилинган “Гибрид-901” жўхори навидан қўшимча 45 ц (37%) дон ва 440 боғ (34,2%) поя олинган. Маккажўхори поясини биринчи сўта ҳосил бўлган жойидан паст қисми зарарланса, энг катта зарар кўрилади – 80,6% дон ва 83,5% поя. Сўта пайдо бўлган жойдан юқориси шикастланса: 45,1% дон ва 42,7% поя озайиши мумкин.

9. Маккажўхорини зарарли организмлардан химоя қилишда биз таклиф қилган янги технологияда ўсимликларни экиш тизими ўзининг ҳаётий эканлигини кўрсатди. Бу тизим кучли ҳаво оқими ёрдамида пестицид эритмасини пуркайдиган ОВХ-28 трактор пуркагичи ишига мўлжалланган бўлиб, қониқарли юқори самара кўрсатди ва амалиётга кенг жорий этишга имкон беради. Тизимнинг тузилиши: баланд бўйли экинларнинг ҳар 24-28 қаторидан кейин 4-6 қатор қолдирилиб, у ерга паст бўйли бошқа экинлар экилади. Оралиқ экинлари умумий ернинг $15\pm 3\%$ гача майдонини ташкил этади. Маккажўхорини ушбу экиш тизими 2014 йилдан бошлаб кенг жорий этишга тавсия қилинди.

10. Маккажўхори ғўза ҳамда поя парвонасидан 4-5-мартали кимёвий ишлов орқали химояланса, (зараркунанданинг шу зичлигига нисбатан) кўк массадан қўшимча 72,7%, дондан эса 81,0% га тенг қўшимча ҳосил олса бўлади.

11. Маккажўхорини зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун мавсумда 4-5 марталик ишлов ўтказишга сарфланган ҳар 1 сўм эвазига қўшимча 4,1 сўмдан 5,44 сўмга тенг бўлган дон маҳсулоти олиш имконияти яратилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ и
АНДИЖАНСКОМ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЮЛДАШЕВ ФАРРУХБЕК ЭРГАШБАЕВИЧ

**СОЗДАНИЕ ПЕРСПЕКТИВНЫХ МЕТОДОВ ЗАЩИТЫ КУКУРУЗЫ
ОТ ВРЕДИТЕЛЕЙ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОР ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Qx60.

Диссертация выполнена в Андижанском Государственном Университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.agrar.uz и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу www.ziyo.net.

**Научный
руководитель:**

Ходжаев Шамиль Турсунович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные
оппоненты:**

Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич
доктор биологических наук, профессор

Алимухаммедов Саидмурод Султонович
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт зерна
и зерно-бобовых культур**

Защита диссертации состоится «28» октября 2017 года в 14⁰⁰ на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте по адресу: 100140, Ташкент, ул. Университетская-2, Ташкентский государственный аграрный университет, тел. (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского аграрного университета (532893). Адрес: 100140 Ташкент, ул. Университетская 2, Ташкентский государственный аграрный университет. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00.

Автореферат диссертации разослан «16» октября 2017 года.
(протокол реестра под номером 9/2 «12» октября 2017 года).

Б.А. Сулайманов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
профессор

Я.Х. Юлдашов

Учёный секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.с.х.н., доцент

М.М. Адилов

Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Кукуруза является важным и широко возделываемым растением, занимающим третье место по площади возделывания и первым по урожайности зерна среди зерновых культур в мире. По данным ФАО кукурузу в мире высевают на общей площади, превышающем 137 млн га, а собираемый валовой урожай составляет 600 млн тон. Из этого количества свыше 60% приходится на долю промышленной Северной Америки и странам Европы, где средняя урожайность культуры составляет 57-72 ц/га¹.

В настоящее время считается актуальной проблемой разработка интегрированных методов защиты кукурузы от вредителей и болезней в странах, где возделывается кукуруза. Созданию высокоурожайных сортов и гибридов кукурузы с относительной устойчивостью к болезням и вредителям, а также разработке агроприёмов, способствующих получению высоких урожаев уделялось пристальное внимание в годы независимости республики. В этом направлении были достигнуты определённые результаты. Разработка более совершенных приёмов защиты кукурузы от комплекса вредных организмов может способствовать ещё большему повышению урожайности. Кукурузе уделяется большое внимание в стратегии, предполагаемой на развитие Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. В частности по технологии возделывания кукурузы и защиты её от вредных организмов. Этому уделено особое внимание и это является важнейшей задачей. Имеют важнейшее значение научные исследования по дальнейшему изучению видового состава вредителей кукурузы, особенностям их биологического развития, установлению их порогов экономически вредоносной численности, а также разработке эффективных систем защиты растений от них.

Создаются возможности повышения эффективности научно-исследовательских работ по предлагаемой работе – изучение видового разнообразия вредных членистоногих животных, их биологических особенностей развития, вредоносности и перспектив защиты растений в связи с потребностями в обеспечении кормовой базой одной из отрасли сельского хозяйства – животноводства.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполняемой задачей, предусмотренных в нормативных «Закон о защите сельскохозяйственных растений от вредителей, болезней и сорняков»; «Постановление Президента республики Узбекистан от 26 января 2009 года за №ПП-1047 – «О дополнительных мерах по расширению производства продовольственных товаров и насыщению внутреннего рынка»; Постановление Правительства РУз от 29 марта 2004 года за №148 – «О мерах по усовершенствованию структуры и повышению эффективности службы

¹ <http://www.fao.ru>

защиты растений», а также другими нормативно-правовыми документами соответствующих данной деятельности.

